

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 92 (10.145)

2004 ЙИЛ 14 МАЙ

«Конут» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган рақобатбардош тивув маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорини топмоқда.

СУРАТДА: чеварлар **Ҳикоят Абдужалилова** ва **Манзура Мавлонова** ҳамжихатликда меҳнат қилишади.

Ҳакимжон Солихов олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Р.С.Қосимовни
Ўзбекистон
Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим
вазирини этиб тайинлаш
тўғрисида

Рустам Собирович Қосимов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирини этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 май

XVI сарфоси
Барча маълумлардан олдинки сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан Хива шаҳрида ташкил этилган Марказий Осиёда маданий меросни асраш масалаларига бағишланган минтақавий семинар якунланди.
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида болаларнинг «Сеҳрли ёғду» кино-фото асарлари республика фестивали низоҳисига етди.
- Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Фарғона вилояти бўлими томонидан энг маънавиятли шаҳар, туман, маҳалла, ўқув юрти, ташкилот, корхоналар ўртасида ташкил этилган танлов ғолиблари аниқланди.
- Ажинийёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини «Фидойи ёшлар» клуби ташкил этилди.
- Тошкент вилоятидаги пойтахт вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши тасарруфига кирувчи оромоҳларда ёзги мавсумда 12 минг 960 нафар бола 3 босқичда дам олади. Вилоятдаги 14 та оромоҳ ҳозирда мавсумга тахт қилиб қўйилган.
- Шеробод туманидаги Кухитанг тоғи этагидида Пошхурт қишлоғида чанқовбосди, шифобахш сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жаҳонда

- Европа Иттифоқига аъзо бўлишга ҳаракат қилаётган Хорватия ҳукумати мамлакатда яшаётган сербларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини билдирди.
- АҚШ энергетика вазирлиги жаҳондаги энг тез суперкомпьютер куриш ниятида эканлигини билдирди. Ушбу мақсадда дастлабки 2 йил ичида уни бунёд этувчиларга 50 миллион доллар ҳажмида федерал молиялаштирув амалга оширилади.
- Грузия ИИВ бошлиғи Георгий Барамидзенинг сўзларига кўра, Грузия давлати Аджария муҳтор ўлкасининг собиқ бошлиғи Аслан Абашидзе ва унинг яқинлари мол-мулкни мусодара қилади.
- Венесуэла полицияси мамлакатда давлат тўнтаришини уюштирмоқчи бўлган шахсларни ҳибсга олиш учун кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирга қадар 100 киши қўлга олинган.
- Берлиндаги Шенберг райони ҳудудида иккинчи жаҳон уруши пайтидаги 500 килограммлик Америка бомбаси топилди. Пойтахт полициячилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу жойга ёндошган учта кўчани тўлалигича берkitдилар.

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сатрларда

- **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги 230-мактабда «Халқаро оила кунни» муносабати билан «Энг яхши спортчи оила» марафони туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлиmlари ҳамкорликларида ўтказилади.
- **ҚОРИ** Ниёзий номидаги Республика педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтини «Узлуксиз таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида уюштирилган илмий-амалий семинарда педагоглар иштирок этишди.
- **ЧИЛОНЗОР** педагогика коллежида «Терроризм хавфи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат Болалар кутубхонасида Россияда чоп этилган болалар китобларининг кўргазмаси ташкил этилди.
- **ШАХРИМИЗДА** Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармасынинг Тошкент шаҳар ва туманлар бўлиmlари вакиллари иштирокида ободонлаштириш бўйича қилинаётган ишлар таҳлилига бағишланган сайёр йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ҳамза туманида бажарилаётган ишлар муҳокама этилди.
- **1-ТОШКЕНТ** педагогика коллежида ўтказилган тадбирда иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси материаллари муҳокама этилди, келгуси режалар белгилаб олинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини **С.Сафоев** Грузиянинг мамлакатимиздаги элчиси **Гиви Абдушелишвили**нинг дипломатик миссияси туғайи муносабати билан қабул қилди.

Грузия элчисига давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлашдаги узоқ йиллик фаолияти ҳамда Грузия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни кенгайтиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Президенти **И.А.Каримов** номидан миннатдорлик билдирилди. Учрашув давомида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Гиви Абдушелишвили Грузиянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида етти йил давомида мамлакатининг Тош-

кентдаги дипломатик ваколатхонасига раҳбарлик қилган.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси **Жак-Андре Костий** дипломатик фаолиятини якунлагани муносабати билан республика ташқи ишлар вазирини **С.Сафоев** томонидан қабул қилинди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига қўшган катта ҳиссаси учун француз дипломатига Ўзбекистон Президенти **И.А.Каримов** номидан миннатдорлик изҳор этилди. Учрашув чоғида икки томонлама муносабатлар даражасига юксак баҳо берилди. **Ж.Костий** Франциянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига раҳбарлик қилган даврда ўзбек-француз ҳамкорлигининг турли соҳалардаги ривожини кузатилди.

Бундан икки йил муқаддам Тошкентда ташкил этилган маданият маркази фаолияти сермаҳсул ва самарали ҳамкорликнинг ёрқин мисолларидан биридир. Бугунги кунда мазкур марказда минглаб ўзбекистонлик ёшлар француз тили, маданияти ва тарихини кунт билан ўрганишмоқда.

«Жаҳон» АА

ЕТТИНЧИ ЖИЛДА НАШРДАН ЧИҚДИ

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 7-жилди «Парчин» мақола-си билан бошланиб, «Солиқ» мақоласи билан тугайди. «П» ҳарфининг асосий қисми, «Р» ҳарфидаги, шуниингдек, «С» ҳарфининг биринчи ярмидаги мақолаларни ўз ичига олади. Унда жами 3653 мақола бўлиб, умумий ҳажми 130,0 наشريёт-ҳисоб табоғини ташкил этади.

ЎЗМЭ 7-жилдида ҳам табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар нисбати, миллий ва умумбашарий материаллар нисбати тасдиқланган умумий концепция талаблари даражасида сақлаб қолинди.

Мазкур жилдда барча соҳадан 600 дан зиёд биографик мақола берилди. Мезон бўйича буюк мутафаккирлар, давлат ва жамоат арбоблари, Ўзбекистон қаҳрамонлари, Ўзбекистон халқ ёзувчилари, Ўзбекистон халқ артистлари, фан ҳамда санъат арбоблари ва бошқалар ўрин олган.

Бу жилдда олдинги жилдларга нисба-

тан кўпроқ безак материал (1000 дан зиёд рангли, оқ-қора сурат) берилди. Уларнинг кўпи оригиналдир. 80 дан зиёд рангли ва оқ-қора харита тайёрланди.

Мақолаларни тайёрлашда 500 дан зиёд муаллиф иштирок этди. Миллий энциклопедиянинг турли соҳалардан фаол муаллифлар гуруҳи шаклланди.

Қисқаси, ушбу жилд ҳам мутахассислар, талабалар, кенг китобхонлар оммаси учун керакли китоб бўлиб қолишига ишонамиз.

ЎЗА



**Сўраш,
жавоб берамиз**

**Касб касалликлари
рўйхати га қандай зарар
билан боғлиқ бўлган ка-
салликлар қиради?**

**Г. Фармонов,
ишчи.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарорининг иловасида «Касб касалликлари рўйхати» кўрсатилган: унга заҳарли кимёвий моддалар, саноят аэрозоллари ва чанглари, физик таъсирлар, алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши, биологик омиллар, кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан пестицидлар), дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари, иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар қиради.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам қиради. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини табиий-меҳнат экспертиза комиссиялари касалликни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўрганиш асносида ҳал қиладилар.

**Ота-онанинг вояга
етган болаларига
тўлайдиган алимент
миқдори қандай белги-
ланади?**

**Ш. Салоҳова,
уй бекаси.**

Ота-онанин вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундирилмайдиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанин оилавий ва моддий аҳоли ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

**Шифобахш гиёҳлар
қаторида гулхайри
ўсимлигининг борлиги
ҳақида маълумотлар
бор. Иложи бўлса шу
ҳақда билмоқчи эдик.**

**Ф. Шотурсунова,
М. Мирғиёнова,
талабалар.**

Гулхайри турлари илди-зидан тайёрланган дахлама кўкйўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисилиши, кўкрак оғриги касалликларида юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дизентерия, буйрак, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигида, томоқ яллиғланишида, болалар ичи кетганда қўлланади.

Гулхайри турлари илди-зидан дахлама тайёрлаш учун бирор идишга 2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйилади ва 4 чой қошиқ майдаланган илди-зидан солиб, 8 соат қўйиб қўйилади, сўнгра докда сузилади. Кунига уч-тўрт маҳал ярим стакандан ичилади.

**Хурматли ҳамшаҳарлар!
Ўзингизни қизиқтирган
барча масалалар бўйича
133-29-09 телефонига
қўнғирок қилсангиз мала-
кали мутахассислар ёрда-
мида саволларингизга ба-
тафсил жавоб беришга
ҳаракат қиламиз. Мактуб
ёзинг, қўнғирок қилинг.**

«Бахт-икбол... ҳуқуқига эгман» таловига

Ҳеч ким ўзи истаб етим ёки муҳтож бўлмайди ва ҳеч бир инсон бошқаларга етимлик ва муҳтожликни соғинмайди. Ҳаёт шундай мураккаб, қарама-қаршиликларга тўла воқелик эканки, инсон ихтиёридан ташқари етимлик, муҳтожлик пайдо бўлар, миллион-миллион одамлар яшаётган жамиятда баъзи кишилар ёлғизланиб қолар эканлар.

Етимлик ва муҳтожлик жуда қадимий, афсуски инсонларга боғлиқ бўлмаган ва бўлган сабаблар туфайли доимо мавжуддир. Бу сабабларнинг асосийлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. Табиий офатлар: зилзилалар, қатта сув тошқинлари, ёнғинлар ва ҳоказо.

2. Турли миқёсдаги урушлар: Афғонистон, Яқин Шарқ, Югославиядаги урушлар туфайли минглаб болалар етим, кишилар бошпанасиз бўлиб қолдилар.

3. Табиий касалликлар, гўдақлик, боалик, кексалик, ногиронлик.

4. Террористик ҳаракатлар ва ижтимоий адолатсизлик. Демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қураётган Муस्ताқил Республикамизда ижтимоий адолатсизликка тўла барҳам берилмоқда, аммо жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу сабаб ҳали ҳам мавжудлигидан қўз юмиб бўлмайди. Аини пайтда инсоният келажагига таҳдид солаётган терроризм хавфи бизнинг юртимизда ҳам мавжуд. Шу йил март ва апрелидаги террористик ҳужумлари, қимларнинг етим, қимларнидир муҳтож қилиб қўйди.

5. Тарбиядаги нуқсонлар, меҳрсизлик, оилавий келишмовчиликлар. Бу келишмовчиликларимизни оилавий ҳаётга тўғри тарбиялаб, маънавий енгилтақликнинг олдини олиб, бемаълум бартараф қилиш мумкин. Биз етим болаларга раҳм-раҳиш ҳақида кўп гапирамиз, улардан ҳеч бир нарсамизни аямаймиз. Ҳозирги кунда Республикада Меҳрибонлик уйларида 3665 та бола тарбияланмоқда. Айтиш мумкинки, улар моддий жиҳатдан ҳеч нимага зор эмас. Давлатимиз, халқимиз улардан ҳеч нима ни аягани йўқ. Фақатгина Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бўлиналари Меҳр-муруват йилининг биринчи чораги давомида бевосита маҳаллалар аҳли ва ҳомийлар қўмағидан ташқари 122 миллиард 156 миллион сўмни етимлар ва муҳтож азиз фарзандларимиз учун сарфлади.

Аммо бу етимлар кўпайсин дегани эмас. Чунки дунёда ҳеч нараса ота-она меҳрининг ўрнини боса олмайди. Бош мақсад — тирик етимларнинг бўлмаслигига ҳаракат қилиши мисли керак. «Соелом авлод» ордени соҳибиси Маънавий бой бўлиб тарбия топишлари лозим.

Ҳозирги пайтда маънавий муҳтожлик, маънавий қашшоқлашув муаммоси ҳам борлигини, уларнинг бутун жаҳон инсонпарварларини ташвишга солаётганини инкор қилиб бўлмайди.

Рус адиби Валентин Распутин дунёни уч нараса ҳалокатга олиб келиши мумкин. Булар: ядро уруши, экологик фожеа ва инсонларнинг маънавий қашшоқлашуви, дейди.

Етимлар жамиятининг ортқича табақаси эмас, тенг ҳуқуқли аъзоси, келажакдаги таянчидир.

Жаҳонда энг ёш дин бўлган исломнинг муқаддас (илоҳий) китоби Қуръони карим сураларида етимлар ҳақида жуда кўп оятлар мавжуд. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом ҳам етим қўлиб, тоғаси Абу Толиб қўлида парвариш топадилар. Унинг етимларга раҳм-раҳиш жана тийлик белгиси эканлиги ҳақидаги кўпгина ҳодисалари бор.

онасиз болалар ва 64-та кам таъминланган оила ўқувчиларига сарфламоқда. Шахсан ўзи коллежни туғатган 6 нафар қизни ишга жойлаб, турмушга узатди.

● Чилонзорлик Муаттар Содиқова эса меҳрибонлик уйидан 4 нафар болага ҳомийлик қилмоқда.

● 2004 йилги Наврўз байрамида биргина Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласида кам таъминланган оилалар ва етим болалардан 10 тасининг хатна тўйи ўтказилиб, ҳар бирига 10 минг сўмдан ҳисоб рақамлари очилди. Республикамизда 10 мингта яқин маҳалла борлиги ва уларнинг ҳам асосий қисмида шундай тадбирлар ўтказилганини ҳисобга олсак, бу ҳазил гап эмас.

● Поп туманида 75 нафар ота-онасиз ва 3133 нафар боқувчисини йўқотган болаларга 2003/2004 ўқув йилида ҳозиргача 55 миллион 1140 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бундай мисолларни ҳар бир туман, шаҳарлар фаолиятидан ўйлаб, юзлаб келтириш мумкин.

Кечагина нишонланган Хотира ва Қадрлаш кунига мамлакатдаги деярли барча маҳаллаларда ошлар дамланди, муҳтарам қарияларимизга совғалар улашди.

Аммо энг муҳими бу эмас. Бу айтилган тадбирларнинг барчаси асосий мақсад ижросининг кўринишларидир, холос.

Бу рақамлар миннат эмас. Миннатлик ошдан, беминнат мушт яхши, дейди халқимиз. Қарияларимиз ўз таъбирлари билан айтганда «бир ошам онга зор эмас»лар. Улар пиру бадавлат отахону онахонларимиздир. Бироқ чакалоқ ҳам, нуруний, меҳрибон қарияларимиз ҳам меҳр-оқибатни чуқур ҳис қилишадди. Меҳр-муруват, аввало, қалб дунёси, маънавиятнинг меваси бўлиб, уни дилдан ҳис қилгандагина ўз чинакам моҳиятини топади.

Азизу авлиёлар на амал, на давлат, на молу мулкка қиёе боқмай Оллоҳ меҳрининг гадосинимиз деб ўтишган. Инсон эса ана шу илоҳий фазилат — меҳр-муруват соҳибидир. Ёш ўтавергач, ҳамма ҳам етим бўлади. Ўзбеклар, ўз ўлимидан эмас, фарзандлар ўлимини кўришдан қўрқадилар.

Табиий етимлик, ҳаммининг бошида бор гап. Бироқ маънавий етимлик, яъни киши ёшлар, кексадир, ўзини ёлғиз сезиши, ҳеч кимга кераксиздай ҳис қилиши — бу чинакам фожеа.

Ишонамизки, халқи маънавий бой, меҳр-муруватнинг асрий миллий анъаналарига эга бўлган бу юрда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмайди. Бунинг учун яшаш ва ҳаракат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Самин РАҲИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ақром АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди**

**БУ ЮРТАДА ҲЕЧ
КИМ ЎЗИНИ ЁЛҒИЗ
СЕЗМАЙДИ**

(Меҳр ва муруват йилида ўйлар)

Инсоний меҳр-муруват қадимий ва азалийдир. Унинг маъноси ҳам одам, осмон қадар кенг бўлиб, беминнатлик тамал тошидир. Шунинг учун меҳр-муруватнинг катта-кичиги, арзон-қиммати бўлмайди. Хафа бўлиб турган одамнинг кўнглиши бир оғиз ширин сўз билан кўтарсангиз, ўқиб турган боланинг «ҳа, азамат» деб бошини силаб ўтсангиз, одамлар баҳра олсин деб, бир туп қўчат ўтқазсангиз ёки элга кўприк қуриб берсангиз — буларнинг бари меҳрнинг фарзанди — муруватдан.

Алишер Навоийнинг «Искандар девори» достонига ўзи орзу қилган идеал ҳукмдор Искандарни Файлақусе шоҳ чақалоқ пайтида хабаробдан топиб олади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тошкентлик темирчи Шомаҳмудовлар оиласининг украин, рус, латин, қозоқ ва бошқа миллат болаларидан 15 нафарини ўз бағрига олиб, тарбия қилгани бутун жаҳонга ўзбек халқининг меҳру муруватига раҳми сифатида машҳур бўлди.

Бироқ, илму фан, иқтисодий тараққиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, тарихда табиат ва жамият тақдирини ҳозиргидек кишиларнинг маънавиятига боғлиқ бўлган эмас. Ўзбек халқи маънавий қашшоқликдан қўрқма-са ҳам бўлади. Аммо бозор муносабатлари, турли оқимлар, ноҳож адабиётлар ва фильмлар таъсири шароитларида ёшларнинг маънавий қашшоқ бўлиб қолишидан доимо сержак бўлишимиз керак.

Юртимизда қалби дарё одамлар, бағри кенг масканлар, маҳаллалар нақалар кўп:

● Қашқаларё вилояти, Китоб туманидаги 29 нафар аёл 5-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 30 қизга ҳомийлик қилишмоқда.

● Наманган шаҳар педагогика коллежи раҳбари, «Соелом авлод» ордени соҳибиси Хосият Аҳмедова коллеж қошида кўп тармоқли «Ниҳол» ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиб, ёшларга ҳунар ўргатишга қўлмай, ундан тушган даромадининг асосий қисmini ўқувчиларнинг овқатланиши, 7 нафар ота-

чилар билан тил топиша олмаётгани, маҳаллаларда эътибор берилмаётган масалалар етарли эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳам ўртага ташланди. Ёшларнинг соғлом фикрли бўлиб вояга етишлари, бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, халқ таълимидаги йиғилиб қолган муаммолар ҳам ушбу тадбирда муҳокама этилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Педагог ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда институт олимлари томонидан яратилган «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепциясининг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Бу тўғрисида сўз олган институт ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Йўлдошев ушбу концепцияда оила, мактаб, маҳалланинг вазифалари, ёш авлодни тарбиялашдаги ҳамкорлик тамойиллари ҳақида батафсил маълумот берди.

Қизгин савол-жавоблар, баҳс-мунозара тарзида ўтган ушбу тадбир ҳар томонлама фойдали бўлди ва йилгиланларда қатта таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Анжуманлар

ҲАМИША ҲУШЁР, СЕЗГИР БЎЛАЙЛИК

Кунни кеча Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида иккинчи қаҳриқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси материалларини ўрганишга бағишланган «Ҳамиша ҳушёр, сезгир ва оғоҳ бўлайлик» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар Зокиров Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қаҳриқ ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, март ойининг сўнгги кунларида пойтахтимизда ва Бухоро вилоятида содир этилган қўпуровчилик ҳаракатлари, уларда ёшларнинг ҳам иштироки борлиги жуда ачинарли эканлигини таъкидлаб, бу ҳолатлар бизга сабоқ бўлиши, таълим-тарбия масалаларига янада фаолроқ ёндашиш кераклигига эътиборни қаратди.

Шунингдек, ушбу анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова «Ёшлар тарбиясида аёлларнинг ўрни», шаҳар

Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Рихситилла Ақромов «Маҳалла аҳиллик ва бирдамлик маскани», республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Сарвар Абдуллаев «Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси материалларининг мазмун-моҳиятини ёшларга ўргатишда ўқитувчиларнинг вазифалари» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, учрашувда нега бугун ёшлар бизга бугундай ёт бўлган гуруҳлар таъсирига тушиб қолмоқда, бунинг асл сабаблари нимада, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? каби саволларга жавоб изланди. Ота-оналарнинг бола тарбиясида бепарволикка йўл қўяётганлиги, ўқитувчиларнинг билим савияси, ўқув-

Иқтисодий**КУРУВЧИЛАРГА
МАДАДКОР
БЎЛИБ**

Кўзланган манзилга етишда, машинанинг олдек учишда йўлнинг ўзига хос аҳамияти бор. У текис ва раво бўлса, манзил бир зумда босиб ўтилади.

Йўлнинг текис ва раволиги эса унинг қурилишига, сифатли қурилиш ашёларидан фойдаланишга ҳам боғлиқ. Пойтахтимиздаги йўл ва кўчалар раволигини таъминлашда қурилиш ва таъмирлаш уюмларини муваффақиятли амалга ошириш учун материаллар етказиб бераётган «Тошхажайўлқурилиштаъмир» трестига қарашли умумтехнологик ишлаб чиқариш бошқармасининг алоҳида хиссаси бор.

Корхонада меҳнат қилаётган 450 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнати билан зарур қурилиш ашёлари — асфальт, бетон ариқчалар ва йўл чеккасига ўрнатиладиган бордорлар ишлаб чиқарилмоқда. Бюджетларни ўз вақтида ва сифатли адо этиш йўлида мавжуд 14 та цехда иш икки сменада ташкил этилган. Асосий эътибор эса маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган.

— Корхонамиз жамоаси пойтахтимиз кўча ва йўллари чиройи ва мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим хисса қўшмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Собир Нишонов. — Айниқса, кейинги йилларда қурилаётган замонавий кўприклар, текис ва қулай йўлларнинг қад ростлаши учун жамоамиз ахли тайёрлаган маҳсулот жуда зарур. Пойтахтимизда босқичма босқич қад ростлаётган кичик Халқа йўли қурувчиларига маддкор бўлиб, бунёдкорлик учун керакли бўлган қурилиш ашёларини етказиб берамиз. Бунинг учун мавжуд агрегатлар қувватидан, ишчилар маҳоратидан оқилона фойдаланилмоқда.

Хозирда корхона ахли кичик Халқа йўлининг Асомов ва Эргашев кўчаларини бир-бирига боғловчи кўприк ва йўл қурилиши учун материаллар етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

**САЛОМАТЛИК
ЙЎЛИДА**

«ASTRA FARM Co» масъулияти чекланган жамиятида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар тури йил сайин ортиб бормоқда.

Иш фаолиятининг илк даврида корхона республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан дори-дармон ишлаб чиқариш учун махсус рўқсатнома олиб, 5 турдаги дорилар тайёрлаган бўлса, бугунги кунда 37 хил, жумладан спиртли аралашмалар, маз, линимент, суюқлик, ёғли аралашма ва ўтлар беморларга тавсия этилмоқда.

Дори-дармон тайёрлашда корхона тadbиркорларига Хиндистоннинг «Kothari» компаниясидан олинган суртма ва суюқ дорилар ишлаб чиқариш бўйича технологик линиялар қўл келмоқда. Утган йилда корхонада 523,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 126,6 миллион сўмлик соф фойда олишга эришилган.

Айни пайтда корхонада 35 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги дори турларини ишлаб чиқариш, шу асосда қўшимча ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Шарофат БАХРОМОВА

Текширишларда туман ҳокимликлари қошида ташкил этилган тўловларни йиғишда ёрдам кўрсатиш бўйича комиссиялар, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 2003 йил ва жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти ўрганиб чиқилди. Бунда асосий эътибор уй-жой ширкатларининг ташкил этилиши механизми, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан тузилган шартномаларининг бажарилиши, 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уй-жойларнинг мукамал таъмирланиши аҳолига қаратилди. Шунингдек, кўрсатилган коммунал хизматлар учун аҳолининг қарздорлиги, уларни қамайтириш борасида қилинган ишлар ва бошқа масалаларнинг қонунийлиги ҳам ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, **Тошкент шаҳрида жами 381 та уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд бўлиб, уларга 9291 та кўп қаватли уй бириктирилган.** Урта ҳисобда ҳар бир ширкатга 24-25 тадан уй тўғри келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига кўра 2002-2006 йиллар мобайнида ширкатлар тасарруфидига 3647 та кўп хонадонли уйни тубдан таъмирлаш режалаштирилган. Улардан 70 фоизи бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан таъмирланиши кўзда тутилган. Шаҳар ҳокимияти қошидаги коммунал фойдаланиш бошқармасининг маълумотиغا кўра, **2002-2003 йиллар даврида ҳокимиятлар томонидан 738 та, уй-жой мулкдорлари ширкати маблағлари ҳисобидан 555 та уй мукамал таъмирдан чиқарилган. 2006 йилгача эса жами 2694 та кўп қаватли уйни таъмирлаш режалаштирилган.**

Ўтказилган текширишлар бу борадаги қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳокимликлар, шунингдек уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қониқарсиз бажарилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, ширкатларнинг ташкил этилиши ва уларни рўйхатга олиншининг қонунийлиги ўрганилганда турар-жойлардан фойдаланиш хизматларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган бошқа турдаги ташкилотга айлантириш жараёнини тезлаштириш мақсадида собиқ уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари (ЖЭК) уй-жой мулкдорлари ширкатларига «компания» тарзида шаклан айлантирилган.

Бундан ташқари, янгидан тузилган ширкатлар уй-жойдан фойдаланиш бошқармаларининг «хуқуқий вориси» сифатида қабул қилиниб, уларнинг коммунал тўловлардан мавжуд кредиторлик қарзлари ширкатларга ўтказиб берилган. Масалан, Собир Раҳимов тумани «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинининг қарори билан «О.Бобожонов» уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилган ва унга 51 та кўп қаватли уй бириктириб «берилган ҳамда ана шу уйларни бошқарган 3-муқобил ташкилотнинг 11,0 миллион сўмлик кредитор қарзлари ширкат балансида ўтказилган.

Ширкатларнинг 20, 40 та кўп қаватли уйларни бирлаштирган ҳолда тузилганлиги, улардаги 1000-2500 хонадон мулкдорларининг бирлаштирилиши, ўз-ўзидан юқорида қайд этилган қонуннинг 1-моддаси талаблари бузилишига шароит яратган. Яъни, қонун талабига кўра, ҳар бир уй эга-

си — мулкдорнинг шахсан қатнашиши назарда тутувчи умумий йиғилишлар ўрнига, уй бошқарувчилари (домкомлар) иштирокида мажлислар ўтказиб борилган.

Деярли барча ширкатлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси талаблари бузиб келинаётганлигини кўриш мумкин. Яъни, мазкур қонун талабига кўра уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар уй-жой мулкдорлари томонидан тўпланади. Кўп хо-

**ШИРКАТГА АХВОЛ
ҚАНДАЙ?**

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳияти энг аввало инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўтган давр мобайнида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Сир эмаски, ислохотларнинг муваффақияти аввало қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ижроси билан боғлиқдир. Шу сабабли, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан пойтахтимизда жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларига «Уй-жой мулкдорларининг ширкати тўғрисида»ги ва «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда уй-жойдан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислохотларни амалга оширишга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилди.

надонли уйлардаги хусусийлаштирилган уй-жой биноларининг мулкдорлари уйнинг муҳандислик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳамда уй олдидаги ҳудудни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни тўлашда ушбу уйда ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда техник хизмат кўрсатиш учун тузилган шартномага биноан қатнашадилар.

Ширкатлар тузилганга 3-4 йил ўтган бўлсада, барча уй-жой мулкдорлари билан ширкатлар ўртасида кватираларга техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тўлиқ тузилмаган. Бу эса уй-жой мулкдорларининг ширкат бошқаруви фаолиятига лоқайдлик билан муносабатда бўлганлигидан, умумий мажлисларида тўлиқ иштирок этмаётганлигидан далolat беради. Ўз навбатида ҳокимликлар томонидан ширкатлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳам қониқарсиз ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1 мартдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига асосан ҳокимият органларига уй-жой фондида таъмирлаш-тиклаш ишлари таннархини пасайтириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника ресурслари билан пуллик асосда марказлаштирилган тартибда таъминлаш вазифаси юклатилган бўлсада, шаҳардаги айрим мутасадди ташкилотлар томонидан ҳукумат қарорининг ушбу банди тўлиқ ижро этилмаган. Туман ҳокимликлари фақат уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари мулкни уй-жой мулкдорлари ҳисобига ўтказиш билан чекланишган. Шунингдек, турар жойларни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун пудратчиларни танлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ танловлар (тендер) ўтказиш ишлари ҳам амалиётга татбиқ этилмаган.

Ширкатлар эса ўз ҳолича лаёқатсиз қурилиш фирмалари билан таъмирлаш ишлари бўйича шартномалар тузган. Оқибатда таъмирлаш-қурилиш ишларига ортиқча харажатлар қилинган, айрим ҳолларда бажарилган таъмирлаш ишларига қўшиб ёзилиб, маблағлар ўзлаштирилган. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтин-чўлпон» уй-жой мулкдорлари

ширкатига ўтказилган текширишда «Артслан» хусусий фирмаси билан тузилган шартномага асосан Х.Абдуллаева кўчаси, 78-уй томининг 600 квадрат метрга жами 2012268 сўмлик иш бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузилганлиги, лекин фирма томонидан амалда 1818304 сўмлик иш бажарилмаганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан «Олтин-чўлпон» ширкати раҳбари С.Вахитова ва «Артслан» фирмаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Миробод туманидаги «Давр коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раиси А.Жинов эса ўз буйруғи билан бир неча уй бошқарувчиларини февраль ойи учун фойдаланиш тўловларидан юз фоизга озод қилган. Шаҳар прокуратурасининг протести билан мазкур ноқонуний буйруқ бекор қилинди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлардан яна бири, улардаги мавжуд бино, ер майдонлари ва ресурслардан ижарага бериш ва бошқа имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, уй-жой захира фондларини шакллантириш бўйича қўшимча маблағларни жалб қилиш чоралари кўрилмаётганлигидир. Баъзи ҳолларда ижарага берилган объектлар тегишли тартибда расмийлаштирилмасдан қолмоқда. Масалан, Чилонзор туманидаги «Олмазор» уй-жой мулкдорлари ширкати маъмурияти томонидан 2003 йил давомида 4795,4 квадрат метр майдондаги бинолар шартнома тузилмасдан ижарага бериб юборилган ва ширкат мулкдорлари манфаатларига 7774,4 минг сўм зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Баъзида ширкат ҳўжалиklarининг тўлов қобилиятлари, иқтисодий аҳолининг ёмонлашувига уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари бўйича тарифларни асосий оширилаётганлиги ёки қамайтирилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги қонунбузарликлар, кўрсатилган коммунал хизматларнинг сифатсизлиги, таъмирлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги, мулкдор билан ширкат ўртасида муносабатларининг ўзаро ишонч, ихтиёрийлик асосида ўрнатилмаганлиги ҳам тўловлардан қарздорликни мунтазам равишда ортиб бориш сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шаҳар бўйича 2003 йил 1 январь ҳолатига тўловларнинг барча турлари бўйича жами қарздорлик 7321,8 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб ушбу қарздорлик 14,0 миллиард сўмдан ошган.

Текшириш натижаларига кўра қонун бузилиши ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қўзланган мақсадга эришишда қонун талабига риоя этиш, унга ҳурмат руҳи билан ёндошиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бу энг аввало шу жамятда яшовчи, ўзини шу юрт фарзанди деб билувчи ҳар бир шахснинг фуқаролик бурчидир.

**Мирағлам МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар
прокурорининг
биринчи ўринбосари**

Давоми. Боши 4-бетда.

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 «Улицы разбитых фонарей». Фильм
9.10, 17.50 Серия «Клон»
10.20 М/с «Кошки-мышки»
10.40 Дисней-клуб
11.20 Комедия «Саша-Сашенька»
12.40 Искатели.
23.10 Город женщин
14.20 Сериал «Берег мечты»
15.20 «Угадай мелодию»
15.50 «Большая стирка»
17.20 Просто смех!
18.00 «Стирка на миллион»
19.00 «Другая жизнь». Фильм
20.00 Время
21.40 Спецназ «По следу оборотня»
22.30 Кино «Время»
22.50 Ударная сила.
23.10 Искатели.
23.40 Футбол. Кубок УЕФА. Финал «Валенсия» (Испания) - «Марсель» (Франция).
1.40 Боевик «Тобрук»
3.35 Большой взрыв. «Апеллоновое затмение»
4.05 «Подводный мир Андрея Макаревича»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия»
5.45, 17.55 Сериал «Команда 11»
6.50 «Короткое замыкание»
7.45, 10.50, 13.30, 21.15, 1.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва
8.50 «Что хочет женщина»
9.50, 19.10 Сериал «Против течения».
11.30 «Частная жизнь»
12.30 Детектив «Пуаро Агаты Кристи»
14.10 «Кулагин и партнеры»
14.40 Сериал «Тайга».
15.30 «Комиссар Рекс». Теле serial.
16.30 «Пирамида».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 «Вести»
20.30 «Исторические хроники»
21.10 Футбол. Чемпионат России. «Локомотив (Москва)» - «Зенит (Санкт-Петербург)»
23.10 «Синемания»
23.45 «Дорожный патруль»
0.00 «Агентство одиноких сердец»
0.25 Серия «Крестовники»
1.15 «Навеки Джулия». Теле serial.

НТВ

5.00 Утро на НТВ
7.55 Сериал «Любовь вдовца»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Кулинарный поединок»
10.20 «Страна советов»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.30 Фильм «Неповторимые»
13.05 «Время есть»
13.35, 17.35 «Протокол»
14.35 «Принцип домино»
16.30 «Дикий мир»
18.40, 22.50 Детектив «Господа офицеры»
19.45 «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...»
21.35 «Красная стрела»
21.45 Сериал «Детектив Раша»
24.00 «Страна и мир»

ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего»
8.00 М/с. «Ураганчики»
8.30 Х/ф «Монахины в бегах»
10.30, 20.00 Х/ф «Время убивать»
12.00 Х/ф «Крик»
14.30, 19.00 «Борьба за выживание»
15.00 Х/ф «Лесной воин»
17.00, 0.30 Х/ф «Последний Дон»
18.30, 2.30 «Великие иллюзии. Истории фокусов»
21.30 Х/ф «Смерть в тумане»
24.00, 3.00 «Кунсткамера».

ТНТ

4.55 «Маугли». М/ф. 3-я серия.
5.15, 18.30, 23.15 Москва: инструкция по применению.
5.40 «По следам Брайанских музыкантов». М/ф.
6.05 «Глобальные новости».
6.10, 11.35 «Эй, Арнольд!»
6.40 «Приключения Джими и Нейтрона, мальчика-гения».
7.05 «Ох уж эти детки».
7.30, 12.30 ТВ-клуб.

7.50, 23.45 Наши песни.
8.00 «Завтрак с Дискавери»
9.05 «Как небеса»
11.10 «Губка Боб Квадратные штаны»
12.05 «Крутые бобры»
13.00 «Обед с Дискавери»
14.00 «Шоу Бени Хилла»
14.30, 18.00 «Маскишоу»
15.00, 20.00, 23.10 «Дом-2. Любовь»
16.00, 19.00, 23.55 «Окна»
17.00 «Цена любви»
21.00 «ТНТ-комедия: «Ко мне, Пинг!»
0.50 «Любовь и тайны Сансет Бич». Теле serial.
1.40 «Ирландский лабиринт. Окружное полицейское управление». Сериал.

СТС

7.00 «Зак и секретные материалы». Х/ф.
7.30, 15.00 Программа мультфильмов.
8.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф.
8.30, 19.00 «33 квадратных метра». Новые серии.
9.00, 21.00 «Завтра будет завтра». Х/ф.
10.00 Детали утром.
10.30 Кино. «Кладбище домашних животных».
11.30 Комедия «Альф-силь» (Франция).
13.00 «Зена - королева воинов». Х/ф.
14.00, 20.30, 2.10 История в деталях.
14.30 Комедия «Гарри и Хендерсоны»
15.30 «Скуби и Скрэп-ли»
15.55 «Озорные анимашки». М/ф.
16.25 Веселые мультфильмы «Пинки и Брейни»
17.00 «Тайны Смолвиля». Х/ф.
17.00 Комедия «Чудеса науки»
18.30 Комедия. «Сабрина - маленькая ведьма»
19.30, 1.10 «Улицы разбитых фонарей. Новые приключения ментов». Х/ф.
22.00 Кино. «Кладбище домашних животных-2»
24.00 «Секс в большом городе». Х/ф.
24.40 Детали.
2.35 «Кресло»
3.20 «Бессмертный». Х/ф.
4.05 «Секреты семьи Арно». Х/ф.
4.45 «Ларго». Х/ф.

ТВЦ

6.45 «Настроение».
9.35 Газетный дождь.
9.45, 20.55 «Тайный знак-3». Сериал.
11.00 Телегазета.
12.00 «Москва»
13.00, 12.00 События.
12.15 Телеканал «Дата»
13.10 Посочные часы.
13.40 Квадратные метры.
14.00 Доходное место.
14.05, 1.00 Петровка, 38.
14.25 Деловая Москва.
15.15 «Инспектор Кресс». Сериал.
16.20 Как добиться успеха.
16.30 Мода non-stop.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Ступеньки.
18.00 «Уголовная позиция». Сериал.
19.15 Русский век.
20.00 «Страсти по Саломее». Сериал.
20.50 Пять минут деловой Москвы.
23.40 Материк.
24.30 Времечко.
1.45 Супердиск.
2.00 «По закону». Сериал.
3.00 «Синий троллейбус».

ПАЙШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35-17.55 ТВ маркет
8.40 Газетлар шарҳи. «Болалар сайраси»
9.00 1. «Болаларнинг мовий осмони». 2. «Шил чирок»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алфибо сабоқлари.
10.25 «Миллион кинофоя». Бадий фильм.
11.55, 13.30 ТВ-анимс.
12.05 «Узинги, уз уйини узинг асра!»
12.25 «Ватан мадҳи»
12.45 «Харакатда-баракат»
13.00 «Калб гахари». Теле serial.
13.20 «Авл эрки». Теле serial.
13.55 ТВ-кино.
14.10 «Журналист тахлили»
14.30 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
15.35 «Масъул суъ».
15.55 «Парди вь француз»
16.15 Кундузг санас: «Ит уяси». Теле serial.
16.40 1. «Болалар спорт»
2. «Цирк, цирк, цирк»
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Халқ йиллари».
18.25 «Зийнат»
18.45 «Маслак ва мак».

«сод»
19.05 «Соглом она - соглوم бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.30 «Оқшом эртақлари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Рокировка», сериал
15.00 Художественный фильм, «Мои самые счастливые звезды», остростроительный жест
23.25-23.30 Ватан тим-соллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар дам»
Ишонч маълумот - тўғри оқиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар
8.50 ТВ-анимс
8.55 Иклим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Дастурхон Фидо»
9.15 Тонгдошлар
10.35 Футбол-плюс
10.55 «Учинчи сайёра» мультфильм дастури
11.35 «Елгон асираси», Теле serial.
12.15 Тафаккур ёлқи-лариди
12.35 Ешлар овози
12.55 Муслик лаҳза
13.00 Давр
13.10 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.35 Чампион сирлари (радиотелерадиостанция)
14.00 Спорт-китъаси (рус тилида)
14.30 Автопатруль
14.50 «Экспедиция»
15.00 Детали.
15.40 Ракурс
16.00 Давр
16.10 «Доворак Хочбар» халқови фильми. Бадий фильм»
17.40 Курсатувлар дастури
17.45 «Янги авлод» студияси: Шум болалар
18.00 2004 - меҳр ва муруват йили. «Еш табдил»
18.20 Табаот аламиди
18.45 Шига мархамат!
18.50 Олтин мерос
22.10 Давр
19.00 Давр
19.35 «Давр» интервью
19.50 ТВ-анимс
19.55 Муслик лаҳзалар
20.05 ТВ-авокал
20.10 2004 - Меҳр ва муруват йили. «Азия»
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
22.05 «Елгон асираси». Теле serial.
21.30 Мезон
21.50 Олтин мерос
22.10 Давр
22.40 ТВ-анимс
22.45 Авотсалтанат
23.05 «Кочка келини». Бадий фильм
0.50-0.55 Хайрли тун

Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 «Улицы разбитых фонарей». Фильм
9.10, 17.50 Серия «Клон»
10.20 М/с «Кошки-мышки»
10.40 Дисней-клуб
11.20 Детектив «И, следовательно»
13.00 Город женщин
14.20 Сериал «Берег мечты»
15.20 «Угадай мелодию»
15.50 «Большая стирка»
17.20 Просто смех!
18.00 «Стирка на миллион»
19.00 «Другая жизнь». Фильм
20.00 Время
21.40 Спецназ «По следу оборотня»
22.30 Кино «Время»
22.50 Ударная сила.
23.10 Искатели.
23.40 Футбол. Кубок УЕФА. Финал «Валенсия» (Испания) - «Марсель» (Франция).
1.40 Боевик «Тобрук»
3.35 Большой взрыв. «Апеллоновое затмение»
4.05 «Подводный мир Андрея Макаревича»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия»
5.45, 17.55 Сериал «Команда 11»
6.50 «Короткое замыкание»
7.45, 10.50, 13.30, 21.15, 1.45 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва
8.50 «Что хочет женщина»
9.50, 19.10 Сериал «Против течения».
11.30 «Частная жизнь»
12.30 Детектив «Пуаро Агаты Кристи»
14.10 «Кулагин и партнеры»
14.40 Сериал «Тайга».
15.30 «Комиссар Рекс». Теле serial.
16.30 «Пирамида».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 «Вести»
20.30 «Исторические хроники»
21.10 Футбол. Чемпионат России. «Локомотив (Москва)» - «Зенит (Санкт-Петербург)»
23.10 «Синемания»
23.45 «Дорожный патруль»
0.00 «Агентство одиноких сердец»
0.25 Серия «Крестовники»
1.15 «Навеки Джулия». Теле serial.

НТВ

5.00 Утро на НТВ
7.55 Сериал «Любовь вдовца»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Кулинарный поединок»
10.20 «Страна советов»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.30 Фильм «Неповторимые»
13.05 «Время есть»
13.35, 17.35 «Протокол»
14.35 «Принцип домино»
16.30 «Дикий мир»
18.40, 22.50 Детектив «Господа офицеры»
19.45 «Бальзаковский возраст, или все мужики сво...»
21.35 «Красная стрела»
21.45 Сериал «Детектив Раша»
24.00 «Страна и мир»

«сод»
19.05 «Соглом она - соглوم бола»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.30 «Оқшом эртақлари»
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.05 «Теле-хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Рокировка», сериал
15.00 Художественный фильм, «Мои самые счастливые звезды», остростроительный жест
23.25-23.30 Ватан тим-соллари.
«Ёшлар» телеканал
6.55 Курсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар дам»
Ишонч маълумот - тўғри оқиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар
8.50 ТВ-анимс
8.55 Иклим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Дастурхон Фидо»
9.15 Тонгдошлар
10.35 Футбол-плюс
10.55 «Учинчи сайёра» мультфильм дастури
11.35 «Елгон асираси», Теле serial.
12.15 Тафаккур ёлқи-лариди
12.35 Ешлар овози
12.55 Муслик лаҳза
13.00 Давр
13.10 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.35 Чампион сирлари (радиотелерадиостанция)
14.00 Спорт-китъаси (рус тилида)
14.30 Автопатруль
14.50 «Экспедиция»
15.00 Детали.
15.40 Ракурс
16.00 Давр
16.10 «Доворак Хочбар» халқови фильми. Бадий фильм»
17.40 Курсатувлар дастури
17.45 «Янги авлод» студияси: Шум болалар
18.00 2004 - меҳр ва муруват йили. «Еш табдил»
